

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Когон тумани

13513-сон

Когон т.

Когон туман Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (кейинги ўринларда Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида ҳаракат қилувчи И.И.Тураев бир томондан ва Бухоро таъмир бунёд қурулиш МЧЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан устав асосида ҳаракат қилувчи Ў.Хамроев иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини: Когон туман Хўжа-якшаба мфй биносини лойиха смета ҳужжатларига асосан жорий таъмирлаш, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 344 105 400 (Уч юз қирк тўрт миллион бир юз беш минг тўрт юз)сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига қуйидагиларни олади: Таъмирлаш ишлари шартнома ҳудудий ғазначилиқдан рўйхатдан ўтган кундан бошланади.

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда копланеди.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади: 344 105 400 (Уч юз қирк тўрт миллион бир юз беш минг тўрт юз) сўм бўлиб, Буюртмачи таъмирлаш ишларини таъмирлаш ишларини бошлаш учун Пудратчига шартнома нархининг 30% миқдорида ёки 103231620 сўм олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йил апрел ойида амалга оширилади. Буюртмачи томонидан якуний тўлов Пудратчи ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 240873780 сўмни, яни келишилган сумманинг 70%ни ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

(бир вақтнинг ўзида, аванс тўлови билан бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳ.к)

3.2. Тўлов шакли: Буюртмачи тўловни пул ўтказиши йили билан амалга оширади.

3.3. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 3 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).

4.2. Буюртмачи куйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди: Пудратчига шартнома нархининг 30% миқдориди ёки 103231620 сўм олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йил апрел ойида амалга оширилади. Буюртмачи томонидан якуний тўлов Пудратчи ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 240873780 сўмни, яни келишилган сумманинг 70%ни ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 декабр гача амалга оширилади.

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши – 2022 йил 4 апрел

Тугаши – 2022 йил 20 апрель

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиха ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лойихага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг кўрикланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

далолатномаси имзолангандан кейин 10 кунлик муддатда

қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб

2 хафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 1 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар суд тартибда қуриб чиқилади.

9. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи:

ООО “Бухоро таъмир бунёд
курилиш”

Ҳисоб-китоб рақами

20208000104768724001

СТИР 301135265

Рахбар  У.Хамроев

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва
имзоси)



Буюртмачи:

Когон туман “Маҳалла ва
оилани қўллаб-қувватлаш”

бўлими

Ҳисоб-китоб рақами

100022860062197011906259003


СТИР 207317360

Рахбар  И.И.Тураев

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва
имзоси)



Ҳуқуқшунос : _____



Ё.Алмасов